

---

## 30 нафар Аёлларга субсидия асосида тикув машиналари топширилди.

Данғара туманидаги маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларнинг доимий даромад манбаини шакллантириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Данғара туманидаги маҳаллаларда маҳалла ходимлари томонидан ўтказилган хатлов натижасида ишсиз хотин-қизлар аниқланиб, улар билан суҳбатлар ўтказилди, қизиқиш ва имкониятлари ўрганилди.

Данғара туманидаги ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан “Аёллар дафтари”га киритилган 30 нафар ижтимоий-ҳимояга мухтож, ишсиз ҳамда касб-ҳунарга ўқитилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машиналари топширилди.

---

2024-07-25 16:19:42